РАҚАМЛАШТИРИШ МУҲИТИДА ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИ МАЗМУНИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Бегимқулов Ҳ. Ш.
Педагогик инновациялар институти таянч докторанти

Таянч сўзлар: сифат, функция, малака, касбий малака, ахборот компетентлиги, компетенция.
Ключевые слова: качество, функция, квалификация, профессиональная квалификация, информационная компетентность, компетентность.
Key words: quality, function, qualification, professional qualification, information competence, competence.

Резюме:
Ушбу мақолада XXI аср таълимида педагогга таълимни ахборотлаштириш муҳитида қўйиладиган замонавий компетенция талаблари келтирилган бўлиб мақолада педагогнинг ахборот компетентлиги мазмуни, тузилмаси ёритиб берилган. Шунингдек педагогнипг ахборот компетентлигини шакллантириш борасида хулоса ва тавсиялар келтирилган.
Резюме:
В статье представлены современные требования к компетентности учителя в образовании XXI века в информационной среде образования, содержание и структура информационной компетентности учителя. Также представлены выводы и рекомендации по формированию педагогической информационной компетентности.
Summary:
This article presents the modern competence requirements for teachers in the information environment of education in XXI st century education, the content and structure of the teacher's information competence. It also provides conclusions and recommendations for the formation of pedagogical information competence.

XXI-асрда педагогнинг ахборот компетентлиги даражасини юқари бўлиши муҳим саналади. Ҳозирда жаҳон миқиёсида таълимнинг барча жараёнларни ахборотлаштириш, рақамлаштириш шиддат билан ривожланмоқда. Кўпгина педагоглар компьютердан матнларни тайёрлаш учун, уяли телефондан эса қисқа хабарларни юбориш учун фойдаланадилар. Педагоглар турли шаклдаги машғулотларни ташкил этишда проектордан фойдаланадилар, ўқувчиларга интернетда маълумот излаш билан боғлиқ

топшириқлар берадилар, ота-оналарга электрон почта орқали маълумот юборадилар.

Таълим муассасаларида электрон журналлар ва кундаликларга рухсат этилади ёки директив тарзда киритилади, бу эса ўқув жараёнининг ахборот муҳитига (АМ) қисман кириб боришини таъминлайди. Тўлиқ ахборот муҳитга кириб бориш (таълим жараёнининг асосий маълумотларини АМга жойлаштиришни назарда тутган ҳолда) қўшимча педагогик имкониятларни тақдим этади, клавиатурадан матнни устомонлик билан киритиш ва интернетдан маълумот қидириш учун сўровни шакллантириш қобилияти билан бирга бундай имкониятларга эга бўлиш – педагогнинг ахборот компетенциясини асосий элементи ҳисобланади.

Таълимни ахборотлаштириш – бу қулай ва соғлиқни асрайдиган шароитларда қўлланиладиган ахборот-коммуникация технологиялари воситаларининг имкониятларини юзага чиқаришга йўналтирилган илмий-педагогик, ўқув-методик ишланмаларни яратиш ҳамда улардан оптималь равишда фойдаланишнинг методологияси, технологияси ва амалиёти билан таълим соҳасини таъминлашнинг мақсадга қаратилган ташкилий жараёнидир [1].

Таълимни ахборотлашиши ўз навбатида педагоглар тайёрлаш тизими олдига янги-янги талабларни қўяди, ва албатта педагогдан ахборот компетентлигига эга бўлиши талаб этилади.

Ахборот компетентлиги ривожланган мамлакатларда профессионал соҳада кенг тарқалган АКТ(ахборот коммуникация технологиялари) воситаларидан профессионал муаммоларни ҳал қилишда моҳирона фойдаланиш билан белгиланади.

Ахборотларни ўзлаштириш ва улардан таълим жараёнида етарлича ҳамда самарали фойдаланиш учун қулай воситалардан фойдаланишга зарурат туғилмоқда. Бугунги технологияда юз бераётган инқилобий ўзгаришлар айнан ахборотлардан таълим жараёнида етарлича фойдаланишни таъминлашда компютер ва техник воситалар, умуман олганда, таълимни ахборотлаштириш шароитларида ташкил этишни тақазо этмоқда. Шу нуқтаи назардан ўқув муассасаларида таълим жараёнига ахборот коммуникация технологияларини киритиш, ахборот коммуникация технологиялари асосида электрон таълим сифатини ошириш, ахборот коммуникация технологиялари соҳасида кадр потенциалини ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш соҳа ривожининг асосий устунидир [2]. Бироқ, мавжуд бўлган инфраструктурани ишлата оладиган, техник кўникмаларга эга педагоглар камлиги сезилиб туради.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, биз педагогнинг ахборот компетентлигини ташкил этувчи компонентларни таркиби ва мазмунини тизимлаштиридик.

Педагогнинг ахборот - компетентлиги таркибига қуйидагилар киради:

Умумфойдаланишдаги ахборот компетентлиги;

Умумпедагогик ахборот компетентлиги;

Предмет-педагогик ахборот компетентлик (инсон фаолиятининг тегишли соҳасидаги АКТнинг профессионал компетентлигини акс эттиради).

Компонентларнинг ҳар бири АКТ ресурсларини қўллаш қобилиятига эга бўлган АКТ малакасини ўз ичига олади.

ЮНЕСКО тавсиялари асосида "Педагогларнинг АКТ компетентлиги тузилмаси" (2011 йил) педагогнинг касбий стандартнинг барча таркибий қисмларида мавжуд деб қаралади. Таълим жараёнига таъсир кўрсатади ва мутахассислар томонидан, одатда, педагог фаолиятини кузатиш ва унинг ахборот муҳитида фиксациясини таҳлил қилиш жараёнида баҳоланади.

Педагог АКТ-компетентлигининг компонентлари қуйидагиларга бўлинади:

Умумтаълимий компонент.

1. АКТ воситалари билан ишлашни бошлаш, тўхтатиб туриш, давом эттириш ва тугатиш, муаммоларни бартараф этиш, сарфланадиган материалларни таъминлаш, эргономика, хавфсизлик техникаси ва асосий таълим муассасасида АКТни ривожлантириш натижаларига киритилган бошқа масалалар бўйича техникадан фойдаланиш ва қоидаларга риоя қилиш.

2. АКТдан фойдаланишнинг ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларига риоя қилиш(шу жумладан рухсатсиз фойдаланиш ва ахборотни қўллашга йўл қўйилмаслиги).

3. Атроф-муҳит ва таълим жараёнида жараёнларни видео-аудио қайд этиш.

4. Аудио-визуал матнли алоқа (икки томонлама алоқа, конференция, тезкор ва кечиктирилган хабарлар, матнни автоматлаштирилган тузатиш ва тиллараро таржима).

5. Интернет ва маълумотлар базаларида қидириш кўникмалари.

6. Кундалик ва профессионал контекстда мавжуд бўлган кўникмалардан мунтазам фойдаланиш.

Умумий педагогик компонент.

1. Ахборот муҳитида (АМ) педагогик фаолият ва унинг қуйидаги вазифаларига мувофиқ АМда доимий акс эттиилиши:

2. Таълим жараёнини режалаштириш ва объектив таҳлил қилиш.

3. Атроф-муҳитга таълим жараёнининг шаффофлиги ва тушунарлилиги (ва тегишли кириш чекловлари).

4. Таълим жараёнини ташкил этиш:

- ► ўқувчиларга топшириқлар бериш,
- ► кейинги машғулотдан олдин топшириқларни текшириш, оралиқ ва якуний натижаларни кўриб чиқиш ва аниқлаш, шу жумладан белгиланган мезонларга мувофиқлигини кўриб чиқиш,
- ► ўқувчилар ва ўзининг портфолиосини яратиш ва изоҳлаш,
- ► топшириқни бажаришда талабаларга масофадан туриб маслаҳат бериш, ўқувчининг тьютор билан ўзаро алоқасини қўллаб-қувватлаш.

Ўқув жараёнини ташкил этиш, унда ўқувчилар тизимли, таълим мақсадларига мувофиқ қуйидагиларни бажарадилар:

- ► фаолият олиб борадилар ва очиқ, назорат қилинадиган ахборот майдонида натижаларга эришадилар,
- ► ҳавола ва мурожаатлар нормаларига амал қиладилар (агар педагог плагиатга қарши тизимлардан фойдалана олса),
- ► уларга тақдим этилган ахборот воситаларидан фойдаланадилар.

5. Телекоммуникация муҳитида, шу жумладан, компютер ёрдами билан тақдимотлар, мунозаралар ва консультациялар тайёрлаш ва ўтказиш.

6. Телекоммуникация муҳитида гуруҳ (шу жумладан мактабларо) фаолиятни ташкил этиш ва ўтказиш.

7. Фаолиятни лойиҳалаштириш (шу жумладан жамоавий), рольларни ва ҳодисаларни тасаввур қилиш воситаларидан фойдаланиш.

8. Визуал коммуникация жараёнида кўргазмали объектлардан фойдаланиш, шу жумладан концептуал, ташкилий ва бошқа диаграммалар, видеороликларни таҳрирлаш.

9. Ўқувчининг ҳозирги ҳолати, шахсият хусусиятлари, олдинги тарихи, турли ўқувчилар ҳақида илгари тўпланган статистик маълумотларга асосланиб, ўқувчининг индивидуал тараққиётини таҳмин қилиш, лойиҳалаштириш ва нисбий баҳолаш.

10. Рақамли таълим ресурслари (манбалари, воситалари) сифатини улардан фойдаланишнинг белгиланган ўқув вазифаларига нисбатан баҳолаш.

11. Ижтимоий ахборот маконини, хусусан, ёшлар ахборот маконини ҳисобга олиш.

12. Ўқувчилар ишида умумий фойдаланиш компонентини шакллантириш ва улардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш.

13. Ўқувчиларнинг саломатлик ҳолати мониторингини ташкил этиш .

Предмет-педагогик компонент

– Ўз фанидан виртуал лабораторияларида (табиий-математика фанлари, иқтисодиёт, экология, социология) тажрибалар ташкил этиш ва ўтказиш.
– Видео тасвирларни белгилайдиган рақамли ўлчаш мосламаларидан (датчиклардан) автоматик ўқиш ёрдамида рақамли маълумотларнинг бир қаторини олиш, кейинги ўлчовлар ва экспериментал маълумотларни тўплаш (табиий ва математик фанлар, география).
– Компьютер статистикаси ва визуализация воситалари (табиий ва математик фанлар, иқтисодиёт, экология, социология) ёрдамида рақамли маълумотларни қайта ишлаш.
– Геолокация. Геоахборот тизимларига ахборот киритиш. Хариталар ва космик тасвирлардаги объектларни таниб олиш, хариталар ва расмларни (география, экология, иқтисодиёт, биология) бирлаштириш.
– Рақамли аниқлагичлардан фойдаланиш, уларнинг тўлдирилиши (биология).
– ўз фанининг юқори сифатли маълумот манбаларини, шу жумладан: бадиий матнлар ва филмларга мослаштиришларни, тарихий ҳужжатларни, шу жумладан тарихий хариталарни (барча мавзулар) билиш.
– Ахборотни шажара дарахтлари ва вақт чизиқларида (тарих, ижтимоий фанлар) тақдим этиш.
– Мусиқий композиция ва ижронинг (мусиқа) рақамли технологияларидан фойдаланиш.
– Визуал ижоднинг рақамли технологиялардан, шу жумладан анимация, мультипликация, уч ўлчамли графика ва прототип (санъат, технология, адабиёт) дан фойдаланиш.
– Рақамли бошқарувга эга виртуал ва реал қурилмаларни лойиҳалаш (технология, информатика).
– Ўқувчилар ишида фаннинг предмет-педагогик таркибий қисмининг барча элементларини амалга оширишда педагогнинг қўллаб-қувватлаши.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва фикрларга таяниб педагогларни ахборот компетентлигини шакллантириш йўллари ва усуллари борасида қуйидаги тавсияларни келтириб ўтамиз:

Педагог томонидан АКТ компетентлигига эришишнинг оптимал модели қуйидаги омилларнинг комбинацияси билан таъминланади, яъни

Давлат таълим стандартлари мазмунига АКТ компетентлигини эгаллаш талабини киритиш (ҳар қандай таълим даражасида);

– етарлича технологик базанинг мавжудлиги (ДТС талаби): кенг полосали Интернет канали, мобил компютерга доимий кириш, таълим муасасасида ахборот муҳити воситалари ўрнатилган бўлиши;
– таълим муассасасининг АМ даги фаолиятини эксперт баҳолаш орқали, аттестациядан ўтган ҳолда малака ошириш тизимида педагогнинг асосий АКТ компетентлигини дастлабки ўзлаштириши;
– малака ошириш курсларида ахборот компетентлигини ривожлантиришга қаратилган модуллар блокини киритиш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки таълимни ахборотлаштириш шароитида ахборот коммуникация технологияларини тадбиқ этишнинг замонавий босқичида нафақат анъанавий таълим технологиялари, балки электрон таълим ҳам қаноатлантира олмайдиган эҳтиёжлар юзага келмоқда.

Адабиётлар:

1.Роберт. И. В. Современные информационные техналоги в образовании: дидактические проблемы; перспективы использования/ И. В. Роберт. – М.: ИИОРАО.2010.- 140 с.

2. Information and communication technologies in education: UNESCO Institute for information technologies in education, 2013.